

**РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ**

**Ф. Акрамова
С. Шерхонов**

Оила кутубхонаси

АЁЛЛАРГА ДИНИЙ ВА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР

*(Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари учун
илмий-услубий қўлланма)*

Тошкент – 2016

Ф. Акрамова, С. Шерхонов. Аёлларга диний ва психологик маслаҳатлар: илмий-услубий қўлланма. – Т.: “РОИАМ” 2016, 20 б.

Мазкур қўлланма Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 20-июлдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг кенгайтирилган мажлиси 2016 йил 3 июндаги 26-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги ИТД-1 рақамли амалий лойиҳа доирасида Республика “Оила” илмий-амалий маркази, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Дин ишлари бўйича қўмитаси мутахассислари томонидан яратилган.

Мазкур қўлланмадан жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида фаолият юритаётган мутахассислар, ўзини-ўзи бошқариш органлари мутассаддилари, маҳалла ҳузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари, оилалардаги ота-оналар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Нашр учун масъул: иқтисод фанлари номзоди, Ҳ.Х. Мамадалиева

Такризчи:

Умаров Б.М. – психология фанлари доктори, профессор

ГЛОССАРИЙ

Агрессив хулқ – шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очикдан-очик салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Айбдорлик ҳисси – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши натижасида вужудга келадиган туйғу, шахснинг виждони, ҳис-туйғулари ва бажарган нотўғри амаллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Анъана – (араб.) – маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, келажак авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижтимоий жараёнларнинг тарихий-генетик (наслий) узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадрият.

Ахлоқ (араб) – хулқ сўзининг кўплик шакли, кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. У маънавий ҳаёт ходисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасига оид тушунча ҳамдир.

Ахлоқсизлик – ахлоқ қонун – қоидаларига хилоф ишлар, хатти-ҳаракатлар тизими.

Ақидапарастлик – энг кўп тарқалган зарарли мафкуравий оқимлардан бири. А. ҳам диний (ислом А.лиги, христиан А.лиги), ҳам дунёвий (босиқ шўролар давридаги коммунистик А.) шаклда намоён бўлади. У қайси шаклда бўлмасин, барибир эркин ҳаёт, ҳур фикр, техникавий тараққиётга тўсқин бўлади. Шунинг учун ҳам барчани А.дан огоҳ қилиш ҳозирги кунда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири ҳисобланилади.

Ахиллик – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қариндошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик, бағрикенглик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик.

Бурч – шахснинг бирор киши, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча, инсон маънавиятининг таркибий қисми. Б.- қонун ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатлар ва муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир.

Диний маросимлар – жамият аъзоларининг диний таълимотлар, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатларини ифодаловчи тушунча.

Урф-одат – анъналар сифатида умумхалқ, томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Мас.: ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш,

меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан ҳабар олиш, ёрдамга муҳтожларга ҳашарга бориш ва б.).

Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маданий – маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча.

СЎЗ БОШИ

Маълумки, ҳаётимизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, чинакам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланганлигимизга қарамасдан, бизнинг бахтимизни яримта қиладиган ҳам оилавий ҳаётдир.

Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши жамият билан ҳамоҳангдир. Инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради.

Нима сабабдан биз кўпроқ оила ва унда юз берадиган муносабатларга эътиборли бўламиз, нима сабабдан оила масканида ўзимизни яхши, бахтли ҳис этсак, ишимиз ҳам юришгандек, омадимиз чопгандек бўлади? Чунки оила бизнинг ҳаётимиздаги энг азиз ва яқин даргоҳ! Фақат оилагина инсонга бахтли бўла олиши, ўзини кимларгадир керакли ҳис эта олиши ёки бўлмаса ўзини эзилган, омадсиз сезишига сабаб бўла олади. Шунингдек, жамият тараққиётининг кутилган даражага чиқа олмаслиги, унинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инқирозига олиб келувчи кучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳиссаси каттадир. Чунки оилаларнинг носоғломлиги, ноқобил ва низоли оилалар, ажралишлар сонининг ортиши жамиятга турли иқтисодий, ижтимоий зиён етказиши билан бирга, бундай носоғлом психологик муҳитли, низо-жанжалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда шаклланган шахсда ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам меҳр-оқибатсиз, шафқатсиз, золим, худбин, турли жамият манфаатлари, юрт манфаатларига зид бўлган салбий ташқи кучлар таъсирига осон берилувчан, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун хавфли одам бўлиб етилиши мумкин.

Мамлакатимизда оилаларимизнинг тинч, фаровон ва аҳил бўлиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бугун юртбошимиз раҳнамолигида жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла, таълим-тарбия даргоҳлари билан ҳамкорликда олиб

бораётган эзгу ишлар кўп ва мўлдир.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида миллий маънавиятимизни шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири тўғрисида сўз юритганда “оиланинг маънавий олами”, “оиладаги маънавий муҳит”, “хонадондаги маънавий иқлим”, “оила - маънавият кўрғони” тушунчалари бежизга қўлланмаган¹.

Мазкур қўлланма жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб- қувватлаш марказларида фаолият юритаётган мутахассислар, ўз-ўзини бошқариш органлари мутассаддилари, маҳалла ҳузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари, оилалардаги ота-оналар, маҳалла оқсоқолининг диний-маърифат, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиларига ва умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Умид қиламизки, сизга шу қўлланма орқали берилган диний ва психологик маслаҳатлар ажралишларни олдини олиш ҳамда мустаҳкам оилани таркиб топтиришга қаратилган Сизнинг ва яқинларингиз оилавий ҳаётини бахтли, саодатли, мазмунли, қувончли бўла олишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Нозик хилқатларнинг диний-экстремистик оқимларга жалб этилиши

Аёлларга ислом динида юксак ҳурмат ва эътибор билан қаралади. Ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони каримда 35 та сура ва 102 та оятида “Аёл” сўзининг ишлатилиши, суралардан бири айнан “Нисо”- яъни, “Аёллар” деб номланиши, унда аёл мавқеи, унинг ҳаётдаги ўрни, ҳақ-ҳуқуқлари батафсил баён этилиши ислом динида аёлларга эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Шарқ аёли, хусусан ўзбек аёлининг шаклу шамойили, сийрати, маънавий оламининг шаклланишида ислом дининг таъсири беқиёс. Оила бошлиғи бўлган эркакка ҳурмат, шарм-ҳаё, андиша, итоаткорлик, сабр ва матонат барча даврларда ўзбек аёлининг муҳим ҳислати саналган. Ҳозирги глобал ўзгаришлар, маънавий кадриятлар даврида жамият негизи бўлган оила мустаҳкамлигини оқила ва доно аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, жамиятимизда ўзининг хулқ-атвори, онги ва тафаккури, фаҳм-фаросати, ақл-заковати ҳамда диди билан бошқаларга намуна бўлиб келаётган аёллар кўп. Аммо улар орасида аёл деган буюк номга доғ тушираётган ва ўз шаънининг топталишига сабаб бўлаётганлар ҳам, афсуски топилади. Айниқса, ислом дини номидан ҳаракат қилаётган айрим мутаассиб аёллар муқаддас динимизга турли тухмат тошлари отилишига сабаб бўлмоқдалар.

¹ Каримов И.А. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. - 176 б.

Ислом динини ўзига ниқоб қилиб олиб ундан қурол сифатида фойдаланаётган экстремистик ташкилотлар ўз фаолиятларига мақсадли тарзда аёлларни жалб этиб, террорчилик ҳаракатларини амалга оширмақдалар.

Террористик ташкилотларга жалб қилинган аёлларнинг гуруҳ ичида бажарадиган вазифалари серқирра ва муҳим ҳисобланади. Мутахассислар фикрига кўра, мутаассиб аёлнинг жамоа ичидаги вазифаларини қуйидаги уч туркумга ажратиш мумкин:

1. “Оналик бурчи” – она сифатида ёш фарзандлари онгида мутаассиблик уруғларини ундира боради. Жамоада террорчилик фаолияти учун “муносиб” ўринбосарлар тайёрлаб боради.
2. “Янгиларини жалб қила олиш маҳорати” – ҳамфикр, дардкаш кўшни, амма, хола, сингил, опа, она, мураббия сифатида жамоага янги ишонувчан заифларни тортиб келади.
3. “Тарғибот қуроли” – коммуникация воситалари ривожланиб кетиши натижасида аёл киши айрим оқимлар қўлида тарғибот қуролига, кейин эса қурбонига айланмоқда. Айрим оқимлар одамлар эътиборини тортиш учун айнан аёл кишининг қурол кўтариб машқ қилиши, шаҳидлик белбоғини боғлаши, ўзини портлатиши олдидан айтган сўзлари туширилган роликларни оммалаштириш йўлидан бормоқда.

Мазкур уч рол билан аёл террорчиларнинг қўлида жуда самарали қурол сифатида хизмат қилмоқда.

Аёлларнинг ушбу мудҳиш оламга кириб қолиши моддий қийинчилик, оиладаги етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик, сиёсатдан норозилик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан боғланади. Экстремистлар аёлларнинг ўзларини ўлдириш даражасигача боришларида уларнинг маънавий-руҳий оламидаги ўзига хос хусусиятлардан усталлик билан фойдаланадилар.

Психологларнинг таъкидлашича, эркаклардан фарқли равишда аёлларга хос бўлган бўйсувчанлик; ҳиссиётга таянган ҳолда иш юритиши, ташқи таъсир натижасида руҳий ҳолатининг ўзгарувчанлиги; руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидамсизлиги; ўта қизиқувчанлик ҳамда ахборотларни тўлақонли таҳлил қилмаслик каби қатор омиллар мавжудки, буни яхши билган нопок ниятли кимсалар уларни ўз манфаатлари йўлида истифода этадилар.

Бинобарин, мутаассиблик йўлига кирган аёл ўз оила аъзолари, яқинлари, маҳалла, кўча-қуйдаги суҳбатдош яқин аёлларни ҳам мутаассиб шахсга айлантиради.

Мутаассиб шахсларнинг асосий мақсадлари – уларнинг ғояларига содиқ манқуртлар сонини ошириш билан ўз вазифаларини уларга юклаш амалга ошираётган “савоб” ишларини имкон бориша сездирмасдан олиб боришдир.

Аёлларнинг турли оқим ва секталарга кириб қолишида ҳам бир қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, турли оқимларнинг эътибори энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга қаратилади. Улар боқувчасини йўқотган оилалардаги бева аёллар, фарзандини ёлғиз ўстираётган, моддий жиҳатдан эҳтиёжманд, тушкун кайфиятга тушиб қолган, ҳимояга муҳтож, ҳатто оғир касалликка чалинган аёллар бўлиши ҳам мумкин.

Баъзи аёлларнинг диний ва дунёвий билимларини етарли даражада ўзлаштирмаганлари ҳамда дин ниқоби остидаги экстремистик ташкилотлар асл мақсадлари ҳақида билмасликлари турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлса, баъзан аёлларнинг диний билимларга чанқоқликлари, унга эга бўлишда нотўғри йўлни танлашлари, хусусан, ислом динини ўрганиш ва унинг муқаддас манбаларини асл ҳолида ўқишга бўлган қизиқишлари, аммо зарурий билимларни қаердан олиш ҳақидаги маълумотга эга эмасликлари уларнинг алданиб қолишларига замин яратади. Диний сабоқ оламан, деб экстремистик кайфиятдаги кимсалар тузоғига тушиб қолган аёлларга “соф ислом дини ақидаларидан сабоқ бериш” даъволари билан яширин тарзда араб имлоси, ислом дини арконлари ва ибодатларини ўргатиш баҳонасида турли бузғунчи ғоялар сингдирилган маърузалар билан таништирадилар, тақиқланган адабиёт, видео ва аудиоматериаллар тарқатадилар. Аёллар эса ўзлари билмаган ҳолда экстремистик гуруҳга мойил шахс ва ҳатто гуруҳ аъзоси фаолларидан бирига айланиб борадилар.

Ҳозирги кунда мутаассиб аёлларга Интернет, ижтимоий тармоқлар орқали халифалик давлатини барпо қилиш ва исломий ҳукмларни жорий қилиш йўлида жиҳод қилаётган жангчи эркакларга ўзини бағишлаш, яъни “никоҳ жиҳоди”ни амалга ошириш кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда аёл гуруҳдаги айнан бир эркакнинг маҳрами бўлиб қолмайди, балки гуруҳдаги турмуш ўртоғи жангда вафот этса, иккинчи жангарига турмушга чиқаверади ёки вафот этган турмуш ўртоғи билан тез кунда “жаннатда кўришиш” ниятида ўз ўлимига рози бўлади ва ўзини портлатади. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, инсонга берилган жон неъматни Яратганнинг энг буюк неъматларидан саналади. Ўзини ўзи ўлдириш ана шу неъматни поймол қилишдир ва бу энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Ўзини ўзи портлатаётган кимсалар нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Куръони карим ва ҳадисларда шундай дейилади: “Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва улкан азобни тайёрлаб қўйгай” (Нисо, 93).

Унутманг, аёлларни “шаҳида”лик, яъни, ўзини ўзи қурбон қилишга даъват тэтаётган ҳар қандай диний экстремист ўз оиласи ва фарзандларини бу йўлга кириб қолишдан жуда қаттиқ ҳимоя қилади ҳамда бу ишларни “Аллоҳ

бизларнинг фарзандларимизга бундай “шарафли” ишни амалга оширишни раво кўрмади” деган гаплари билан оқлайди. Ёвуз ниятли кимсалар асосий эътиборни бегонанинг қизи, опа-синглиси, аёли ва онасига қаратадики, бунинг натижасида бир бутун оила парокандаликка юз тутади.

Аёллар диний экстремистик оқимларнинг мавжудлиги, уларнинг мақсади разиллик ва парокандаликдан иборат эканини жуда яхши англайдилар, лекин минг афсуски, аксарият ҳолларда айнан мана шундай гуруҳларнинг бир маротабалик қулига айланиб қоладилар. Бу эса, дин билан боғлиқ масалаларнинг аёлларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни экстремистик ва террорчи оқимлар гирдобидан асраш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканини кўрсатади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, аёлларни, оналарни асрашимиз керак, дегани бу - фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибат миллатни асраш демакдир.

Диний мутаассиблик тушунчаси, сабаблари, оилаларга таъсири ва оқибатлари

Сўнгги пайтларда фақатгина ўз қарашлари ҳақиқий, барча қолганларники эса ёлғон ёки хато деб даъво қилувчи кўплаб ёшлар пайдо бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар муросасизлик ва мутаассибликнинг намоён бўлишига хосдир.

“Мутаассиблик” тушунчаси, энг аввало, субъектнинг оғишмайдиган ҳамда барча қолган муқобилларни рад қиладиган, унинг бутун фаолияти ва муомаласида ўз ифодасини топадиган муайян маслакка алоҳида хусусият бахш этиб, унга берилишидир. Бу ҳар қандай бошқа қарашларга муросасизликда намоён бўлувчи бирор-бир маслак ёки нуқтаи назар билан сўнгги даражасига етказилган берилувчанликдир.

Илмий психологик энциклопедияда мутаассибликка қуйидагича таъриф берилган: мутаассиблик – одамнинг ўз фаолияти ва муомаласида намоён бўлувчи турли муқобилларни рад этиб, муайян фикрни ҳимоя қилишга интилишидир.

Мутаассиблик ҳиссий ҳодиса сифатида керагидан ортиқ саъй-ҳаракат, ғайрат, астойдиллик, ўз (ҳаммадан кўпроқ экстремал, диний ёки сиёсий) қарашларининг тўғрилигига кўр-кўрона ишончи билан тавсифланади.

Психологик мутаассиблик ғоявий радикализм, мавжуд ижтимоий ва сиёсий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ғоялар ва хатти-ҳаракатлар тариқасида таърифланса, экстремизм эса ўзлари кўшилган мафкурани кенг ёйиш учун содир этиладиган зўравонлик

ҳаракатларига замин бўлади. Аксарият террорчилар – ўта кетган мутаассиблардир.

Мутаассиблик: *диний, ғоявий, сиёсий ва ватанпарварлик* руҳидаги мутаассиблик турларига ажратилади.

Диний мутаассиблик тарихан мутаассибликнинг дастлабки шакли сифатида унинг бошқа турлари орасида ўзига хос ўрин тутди. У яширин равишда ҳар қандай дин таркибида бўлади. У муайян тарихий шароитларда ривожланиши ва ўзининг турли мақсадларига эришиш воситаси сифатида диний ва сиёсий гуруҳлар томонидан қўлланилиши мумкин. Моҳиятан, диний мутаассиблик – бу диний дунёқарашнинг ўзига хос талқини ва диний идрок қилишнинг алоҳида усулидир. Диний мутаассибликнинг юқори даражадаги хавфлилиги шундан иборатки, у диндорлар онгги ва хулқ-атворини манипуляция қилиш омили сифатида қўлланилиши мумкин.

Шунга эътибор қаратиш керакки, мутаассиблар, одатда, ўзларига ихлос қўйишларини, уларнинг ортидан боришларини яхши кўришади. Одатда, мутаассибларга ўзини барчадан устун кўрувчи харизматик шахслар раҳнамолик қилади. Масалан, Наполеон инсониятга қарата шундай деган эди: “Менга ўхшаган одам миллионлаб кишиларнинг ҳаётига тупиради!”.

Мутаассиблар ўзларини хавфсиз деб ҳис қиладиган ҳаммаслаклари гуруҳига сингиб кетиб, ўз Менидан чиқиб, “биз”га ўтишга интиладилар. Дунё улар учун “бизникилар” ва “душманлар”, диндорлар ва динсизларга бўлинади.

Ғоявий мутаассиблик ғоянинг ғалабаси учун ўзини қурбон қилишга тайёрликка асосланади. Ер думалоқ деган ғоядан воз кечмасдан худди шундай мутаассиб бўлган инквизиция гулханида ёнган Жордано Бруно ғоявий мутаассиб бўлган. Ғоялар турли хил бўлиши мумкин, бироқ мутаассиблик, унинг фавқулоддалигига ишонч тариқасида, психологик жиҳатдан ҳар доим яғонадир.

Сиёсий мутаассиблик сиёсий тизим, тартиб, ҳокимият белгилаб берган ўз сиёсий мақсад ва қарашларининг устунлигини ҳимоя қилади ва улар учун қурбонлик талаб қилади.

Ватанпарварлик (миллатчилик) руҳидаги мутаассиблик ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, одатда, шовинизмда ўз аксини топади. Ҳозирги замон сиёсатида “шовинизм” тушунчаси, энг аввало, мутаассибона ультрамиллатчиликни англатиш учун қўлланилади. Шовинизм – бу бонапартизм, фашизм, ирқчилик каби террорчилик оқимларининг одатдаги таркибий қисмидир.

Нега инсон мутаассиб бўлиб қолади, қандай мотивлар уни ўз ғояси учун мутаассибларча курашишга ундайди? Бу саволларга жавобни инсон психологиясининг энг нозик жойларидан излаш лозим. Албатта,

мутаассибликни келтириб чиқарадиган кўплаб сабаблар мавжуд ва муайян шахсдаги омиллар, психологик механизмлар, мойиллик, пировардида, инсонни мутаассиблар сафига олиб келади.

Мутаассиблик – бу гуруҳий ва оммавий психологиянинг ўзига хос ноёб ҳодисаси бўлиб, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаб турадиган мутаассиблар учун кучли эмоционаллик, ўзларининг қарашларини тасдиқловчи ҳар қандай ахборотга танқиддан холи бўлган муносабат ва аксинча, танқидни қабул қилмасликдир.

Мутаассиб дунёни ўз қарашлари ва эътиқодининг жуда қатъий призмаси орқали идрок қилади. У бу призмадан ўзининг кескин қарашлари ва эътиқодига мос келмайдиган ҳеч бир нарсани ўтказмайди.

Мутаассибликни пайдо бўлишида оила омилини кўрадиган бўлсак, гиперопека (хаддан ташқари ғамхўрлик қиладиган) оилада вояга етаётганлар, нотўлиқ оила фарзандлари, ижтимоий муносабатлар салбий бўлган оила вакиллари, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, оғир руҳий зарбани бошидан кечирган шахслар мавжуд оилалар биринчи навбатда эътиборталабдир.

Мутаассибликнинг шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- болаликдаги тарбия типи (авторитар, эзувчи, шубҳали, назорат қилувчи, “оила кумири” типи бўйича, ҳамма нарсага рухсат этилган ва бошқ.);
- шахснинг ўзига хос хусусиятлари (ўзига паст баҳо бериш, ўзини тасдиқлашдаги устувор эҳтиёжлар, нуқтаи назари, ғоялари, психологик ҳимоя невротик механизмлари);
- кескин вазиятларда хулқ-атворнинг вайрон қилувчи, емирувчи ва ўзига қаратилган стратегияси;
- шахснинг бузилиши: тобе, хавотирли, нарцисстик.

Мутаассибликнинг ривожланиши ҳақида сўз кетар экан, шахс тарбияси ва характери, ижтимоий мавқеи ва жамият билан ижтимоий алоқа даражаси жамиятнинг тарихий-сиёсий тизими ва шахснинг ахлоқий-психологик хусусиятлари катта аҳамият касб этади. Яъни, маълумотли, етук, ўз нуқтаи назарига эга, социумда ўз ўрнини топган, касбий ва шахсий жиҳатдан муваффақиятли мослашган шахс, қоида тариқасида, турли кўринишдаги таъсирларга етарли даражада барқарордир. Бироқ, психолог олимларнинг фикрича, инсонни психологик қайта ишловга дучор қилиш ва деструктив гуруҳларга тортишнинг кўплаб усуллари мавжуд.

Бу гуруҳлар мақсадли равишда зиёли, қобилиятли, иқтидорли ва муваффақият қозонган кишиларни қидириб топадилар (тўғрироғи, ушлаб

(тутиб) оладилар). Ёллолчиларни инсон нимага қодирлигини бир зумда баҳолаш ва унга гуруҳ тўғрисидаги ахборотни “айтиб бериш” ва “жойлаштириш”ни ҳисобга олиш ўргатилади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг вазифаси – инсонни хўрак илинган қармоқни ютишга мажбур қилишдир. Бу ерда хўрак ролини айнан уни қизиқтириши лозим бўлган ахборот ўйнайди.

Ёллолчилар барча кишилар тўрт типга: фикрловчилар, ҳиссиётчилар, фаоллар ва диндорларга бўлинишига асосан “шахснинг тўрт типи модели”дан фаол фойдаланадилар (Т. Лири, М. Стюарт ва бошқ.). Фикрловчилар деб ҳаётий муаммоларни, кўпинча ақлга таяниб, “бош” билан ҳал қиладиган кишиларга айтилади; улар асосан интеллектга суянадилар. Ҳиссиётчилар деб ҳаётий муаммоларни ҳал этишда, кўпинча, эмоцияга амал қиладиган кишиларга айтилади; улар асосан ҳиссиётлар билан яшайди. Фаоллар – “ҳаракат одамлари” деб аталадиган кишилардир. Диндорлар эса ҳаётнинг диний асосига ишонадиган кишилар ҳисобланади.

Фикрловчи шахсни ёллашда интеллектуал ёндашувдан фойдаланилади. Масалан, унга гуруҳ томонидан ташкиллаштирилган илмий конференцияларнинг бирида турли муаммоларни катта қизиқиш билан муҳокама қиладиган Нобель мукофоти совриндорлари ёки файласуфларнинг фотосуратини кўрсатишади ва бу билан ушбу буюк мутафаккирлар мазкур ҳаракатни қўллаб-қувватлайдилар, деган сохта тасаввур ҳосил қилишади. Ҳақиқатан эса, фотосуратларда акс этган кишилар кўпинча сектага умуман алоқаси йўқ ва кун тартибидеги масалаларга мутлақо қизиқмайдилар. Улар конференцияга худди шундай таклифнома, бунинг устига, мутлақо текин – ҳомийлар уларнинг бориш-келиш йўлқирасини, меҳмонхона ҳақини тўлашади ва яна каттагина пул беришади – таклифнома олган дўстлари ва ҳамкасблари билан мулоқот қилиш имконияти туфайли ташриф буюришган.

Ҳиссиётчилар ёллолчиларнинг уларга нисбатан муносабатларидаги самимият, меҳр ва ғамхўрликка “сотиладилар”. Бундай кишилар билан мулоқотда “ягона катта ва аҳил оилада яшаётган” гуруҳ аъзоларининг эмоционал жиҳатдан хотиржамлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай кишилар билан ҳар доим гуруҳдаги “ҳақиқий меҳр-муҳаббат” ва оддий оламдаги “тушунишнинг” йўқлиги тўғрисида гапирилади.

Фаоллар чақириқни қабул қилиш ва ҳаракат қилишга мойилдирлар. Улар ўз олдларига мақсад қўйишни ва аниқ натижаларга эришишни яхши кўришади. Агар кишиларнинг камбағаллиги ва эзиладиганини кўрсалар, улар ушбу хунук ҳодисани бартараф этиш учун нимадир қилишни хоҳлашади, уларга гуруҳ ушбу йўналишда қандай ишларни олиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берилади. Агар уларни урушлар ва миллий низолар муаммолари

қийнаётган бўлса, унда уларга ушбу гуруҳ урушга қаршилик кўрсатиш ва низони тинч йўл билан тартибга солиш бўйича аниқ режа ишлаб чиққан ягона ташкилот эканлиги айтиб берилади (хатто агар бундай режа мавжуд бўлмаса ҳам). Фикрловчиларга гуруҳ молиялаштирадиган ва қўллаб-қувватлайдиган “йўқолиб бораётган” дунёни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш бўйича юзлаб дастурлар санаб кўрсатилади.

Диндор кишилар ҳаётнинг руҳий, диний мазмунини излайдилар ва Худони англашга интиладилар. Бундай кишилар, кўпинча, ёлловчиларга ўзларининг тушлари, ҳиссиётлари ва ваҳийлар орқали эгаллаб олинган руҳоний тажрибалари тўғрисида гапириб берадилар. Асосан бу кишилар шунчалик “очикки”, уларнинг ўзлари ёлланадилар (аксарияти ёлловчи билан учрашишни уларга Рух буюрган, деб ҳисоблашади). Ёлловчиларга фақатгина шахсий “руҳоний тажрибалари” тўғрисида ифодали қилиб айтиб бериш, учрашувнинг олдиндан белгилаб берилганлигини тасдиқлаш ва Худо бизнинг илтижоларимизни эшитаётганини билдириш қолади, холос.

Аксарият ёлланган кишилар диндорлардан эмас, балки ҳиссиётчилар ва фаоллардан иборат. Фикрловчилар деб аталадиганлар ичидан чиққанларнинг кўпчилиги эса пиروвард натижада сектанинг раҳнамоларига айланишади.

Ушбу моделни қўллаш ёлловчиларга уларнинг ишларида муваффақиятга эришишга ёрдам беради. Улар қисқаси, “балиқ овловчилар”, қармоқ ташлашади, бироқ балиқ эмас, балки инсон қалбини овлашади.

Мутаассибликка номзодлар – турли хил манипуляция, гипнозга осонгина берилувчан ва полутонларни тан олмайдиган ихлос қилувчи кишилардир. Кўпинча улар оқиллик етишмайдиган ишонувчан, самимий, раҳмдил, ижобий субъектлардир. Назарий жиҳатдан қараганда, ҳар қандай шахс мутаассиб бўлиши мумкин, чунки ҳар бир индивидга муваффақиятли таъсир кўрсатишга қодир бўлган психотехника мавжуддир.

Қарор қабул қилар эканмиз, биз, одатда, ўзимиз ишончли деб билган ахборотга асосланамиз. Бизни ҳамма ҳар доим нимагадир – сиёсат, иқтисодиёт, ахлоқ, дин, таълим, тарбия, юриспруденция ёки маркетинг масалаларига ишонтиришга уринишади. Бизнинг мулоҳазаларимизни шакллантиришда бундай уринишлар муқаррардир. Бироқ айрим уринишлар, гарчанд улар бошқаларидан ёмон ҳам яхши ҳам бўлмаса-да, самаралироқ кўринади. Умумий ахборот оқимидан келиб чиқаётган ҳар бир маълумотнинг ишончилигини текшириш учун бизда вақт тиғиз. “Яхши” ёки “ёмон” хабар ёрлиғини, уларнинг мазмунига қараб, биз ўзимиз ёпиштирамиз. Ахборот мазмуни бизга ёқса, биз уни жон деб қабул қиламиз, ёқмаганда эса ҳимоя филтрларини ўрнатиб, бу маълумотларни ташвиқот деб атаймиз. Биз дўстларимиз ва ваколатли “экспертлар”нинг фикр-мулоҳазаларига ишонишга мойилмиз. Агар ахборот

эгаси бизга жозибадор ва сўзамол кўринса, агар у бизга яхши ниятли бўлиб кўринса, агар у ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун кўплаб далиллар келтирса, биз ҳаммадан кўп унинг қарашларига бериламиз.

Ёшларни жалб қилиш тўғрисида сўз кетар экан, улар ақлий ва маънавий жиҳатдан ҳали етук бўлмаганлиги туфайли радикал, миллий, ижтимоий ёки диний ғояларни осон қабул қилишади. Уларни кўпинча, тоталитар (яъни, кишиларнинг хоҳиш-иродасини бутунлай тийиб қўювчи ва уларни фақат “доҳий”, “устоз” хоҳиш-иродасига бўйсундирувчи), диний ёки мафкуравий секталар орқали жалб қиладилар.

Асосий сабаб – кўшилишга ва гуруҳга мансубликка кучли эҳтиёж ҳамда ўзини тенг кўриш ҳиссини кучайтиришдир.

Бола ўта кетган мутаассибга айланиб қолмаслиги учун, унга болаликдан ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолаш қобилиятини сингдириш, унда ўзини ўзи ҳурмат қилиш ва бошқаларга ҳурмат билан қараш, ўз хатолари учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш лозим.

Одам қанчалик кичик ёшда бўлса, у шунчалик таъсирга берилувчан бўлади, чунки у ён-атрофдигиларни ўрганилаётган муҳитдек идрок қилади. Эрта жинсий етилиш даврида ва 17 – 19 ёшдаги даврда ўз давраси ва муҳитида ўзини тасдиқлашга ҳақиқий ташналик юзага келади, бу даврда унинг учун ўзидан кучли ва маълумотли бўлган шахснинг қўллаб-қувватланишига мухтожлик сезади.

Ўта кетган мутаассибликни кўпинча дин билан боғлашлари ва террордан фойдаланиб ҳамда мусулмонлар учун муқаддас бўлган Оллоҳ номи остида ўзининг даҳшатли ишларини амалга ошираётган, моҳиятан, минтақада вазиятни беқарорлаштираётган бир қатор ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ воқеаларнинг шарқда юз бераётганига эътибор қаратган ҳолда, Али Апшероннинг фикрларини келтириш ўринлидир. “Ислом, – деб ёзади у, – ўта кетган мутаассиб инқилобчиларга мухтож эмас, аксинча, у чуқур ва самимий эътиқодга эга бўлган, бошқача фикрловчи, бошқа тилда сўзлайдиган ёки бошқа динга эътиқод қиладиган кишиларга нисбатан бағрикенглик ва очиқлик хос бўлган тақводор ва художўй кишиларга мухтождир”.

Ҳозирги жамиятда ўтакетган мутаассиблик маҳаллий эмас, балки глобал ҳодисадир. У ҳар қандай жамиятда, унинг сиёсий, этник ёки диний ҳолатига қарамай, у ёки бу шаклда мавжуд бўлади. Фарқ фақат мутаассибларнинг сони ва тажовузкорона бўладими ёки ўз кумирини илоҳийлаштириш бўладими, уларнинг ўз “меҳр”ини намоён этишдадир. Шунингдек, мутаассибликнинг жамиятнинг таркибий тузилиши ва ривожланишига таъсиридир.

Диний оқимлар аъзолари орасида ёшлар, аёллар кўпчиликини ташкил қилади. Шу сабабдан айнан ёшлар ва аёлларга алоҳида эътибор қаратиш талаб

этилади. Шунингдек, ишсизлар, ўз қатъий фикрига ва мақсадига эга бўлмаган ёшлар билан фаол ишлаш талаб этилади. Ўз ўрнида фуқароларнинг турли диний йиғинларга қатнаши ва кўни-қўшнилари билан бўладиган муносабатларини доимий таҳлил этиб бориш, ҳашарлар, байрамлар ва тадбирлар сонини ошириш ва кўпроқ уларга ёшлар ва аёлларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Аёлларни мутаассиб шахслар томонидан психологик таъсирга солаётган омиллар ва зарур тавсиялар

Бугунги кунда носоғлом эътиқод эгалари нозик хилқат ҳисобланувчи аёлларимизга турли усул ва воситалар орқали таъсир ўтказиш оқибатида бир оила, маҳалла қолаверса бутун бир жамият хавфсизлигига раҳна солмоқдалар. Бунда улар аёллар психологиясидаги нозик жиҳатлардан, кучли гипнотик усуллардан фойдаланмоқдалар. Психологлар эркаклардан фарқли равишда аёлларга хос қатор хусусиятларни қайд этганлар.

Улардан:

- бўйсунувчанлик;
- мантиқий бўлмаган ёндашув;
- шахснинг бирор хатти-ҳаракатга нисбатан ички ҳозирлигининг қатъий эмаслиги;
- ташқи таъсирларга тез берилувчанлик;
- ахборот олишга нисбатан қизиқишларнинг доминанта (устун)лиги;
- ижтимоий муносабатларга киришишга хоҳишнинг кучлилиги;
- кўпчиликка бевосита таъсир ўтказа олиши;
- психологик стрессларга чидамсизлиги;
- реалликдан хаёлот оламининг устунлиги ва бошқалар.

Мутаассиб шахслар эса ўз мақсадларига эришиш учун турли гипнотик таъсирлар ҳамда замонавий психологик таъсир этиш усулларини қўллашдан ҳам тоймайдилар.

Мутахассислар айнан гипнотик таъсирларга тушиб қолмаслик учун қатор меъёрларни ишлаб чиққанлар. Улар:

-Ўзингиз учун бегона бўлган суҳбатдошингиздан ўртача 2 метр ораликда масофа сақланг! Сизга психологик таъсир қилишни истаган шахслар сизга яқин масофага келишга ҳаракат қиладилар. Мутахассислар 60 см дан яқин масофада манипуляторнинг (суҳбатнинг фаол ташкилотчиси) ҳар қандай сўзлари, фикри иккинчи тингловчининг онг тўсиғини айланиб ўтиб уни тўғри онг ости соҳасига (англанмаган онг зонаси) таъсир кўрсатади. Натижада

тингловчи тинглаётган гапларини ҳеч қандай филтрасиз қабул қила бошлайди ва уларнинг таъсирига тушади.

-Сухбатдошингизни тинглаётганда бошингизни унга нисбатан тўғри тутинг! Маълумки, инсон бош мияси икки ярим шарлари фаолияти билан алоқадордир. Бош миянинг бу икки қисмлари турли вазифаларни бажаради:

Ўнг ярим шар асосан мантиқий тафаккур ва математик амалларни бажаришга масъул бўлса, чап ярим шар эса асосан ҳиссий-эмоционал операцияларни самарали бажаради. Бунда сухбатдошни ҳеч қачон қия ҳолатда яъни, ён томон билан тингламаслик зарур бўлади. Чунки, инсоннинг тинглаш аъзосига томон қилинган мурожаат таъсир ўтказиши аниқланган.

- Сухбатдошингизнинг кўзларига тик қарамасликка ҳаракат қилинг! Машҳур гипнозчи Меснер гипнознинг асосий воситаси сифатида айнан кўз ва сўзга катта эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ўзига хос хусусиятлари туфайли аёллар экстремистик кучларнинг осон ўлжасига айланмоқда. Ўзбек хонадонларида аёллар асосан уй юмушлари билан машғул бўладилар. Шу сабаб уларда ижтимоийлашув жараёнлари нисбатан секин кечади. Бундай вазият аёл руҳиятида мавжуд ҳолатдан қониқмаслик ҳиссини пайдо қилади. Мутаассиблар эса бу вазиятдан унумли фойдаланиб уларга қуйидагича психологик таъсир ўтказишга уринадилар:

- Уларга бу ҳаётни даҳшатли бир тусда тасвирлайдилар ва бунга ишонтирадилар ҳам. Ўз ўрнида ҳаётдан норози аёл онгида ўзини оқлашлик яъни, мен ёмон эмасман балки, дунё, одамлар ёмон шунинг учун мен қийналяпман” деган ғояни шакллантирадилар.

- Аёлларни ўз ғоялари асосида ташкил топган гуруҳга олиб борадилар ва унга хушомадлар қилиб, “ҳақиқий ҳаёт аслида мана шу” эканини сингдирадилар. Аёлларга бундай эътибор ва хушомад шу қадар таъсир қиладики, улар ҳатто бу ерда қолиш учун барча нарсага тайёр бўладилар.

- Ўз ғоялари ва “буюк” вазифалари ҳақида ўлим ва охират, жазо ҳақида шунчалик “улуғвор” нутқ сўзлайдиларки, аёлларда танқидий тафаккур йўқолиб, ўрнида тафаккур сустлиги устунлик қила бошлайди.

- Ўзининг туғилганидан буён “нотўғри” йўлда эканини англаган, аёл умри давомида ўзлаштирган қадриятларини буткул ўзгартириш керак, деган фикрга келади. Шунча умрим зое кетибди, энди нима қилиш керак, деб ҳаётда эсанкираб қолган аёл осонгина оқимлар тузоғига илинади.

- Ўз оилалари, яқинлари “хато йўлда эканликлари” боис уларни ҳам ўзлари “ҳақ” деб билган йўлга бошлашга ҳаракат қиладилар ва ҳатто ўз йўллариغا юрмасалар улардан осонгина воз кечиб ҳам юборадилар.

- Мутаассиб шахслар томонидан аёлларда эгоцентризм (“мен”нинг юқори ифодаланганлиги)ни шакллантирилади. Бунда “биз яхши”, “бошқалар эса ёмон” принципи устувор бўла бошлайди.

- Аёлларнинг мустақил фикрлаши, эркинлиги ва ҳатто бўш вақти ҳам назоратда бўлади ва бу ҳолат ўз ўрнида аёлларда агрессивлик (тажовузкорлик) туйғусини шакллантиради.

- Мутаассиблар энди таъсирнинг янада самаралироқ услуби бўлмиш жамоавий таъсир ўтказишни бошлайдилар. Аёллар маълум фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини билсаларда, жамоавий босим остида онгсиз ҳолатда уни маъқуллайдилар.

- Мутаассиб шахслар аёлларни ўз ҳиссиётларини жиловлашга, яъни ҳиссий бепарволикка олиб борадилар. Натижада аёллардаги меҳр, бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳамкорлик каби ҳиссий кечинмалар ўрнини совуқлик, интериозациялашув (ичга ютиш, сирлилик) жараёнлари эгаллайди.

-Аёлларга жаннат, унинг тавсифлари, аҳллари, шу қадар чиройли буёқларда етказиладики, натижада аёллар бу қоронғу дунёда қийналиб яшашдан боқий жаннатга кетиш учун барча нарсага тайёр бўлади. Бундай руҳий ҳолатга олиб чиқилган аёлдан мутаассиблар камикадзе ва террорчиларни яратадилар.

Хулоса қилганда, мутаассиб шахслар ўзларининг нопок мақсадларини амалга оширишда динимизда юксак мақомга кўтарилган аёлларимизнинг руҳияти асрорларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб юртимиз, фаровон ҳаётимизга хавф солиб, асрлар давомида шаклланган оила муқаддаслиги тушунчасини поймол этмоқдалар. Бу эса ўз навбатида маҳаллаларда мутахассислар ёрдамида мутаассиб оқим ва секталарнинг психологик таъсир усулларини фош қилиш, уларнинг зарарли оқибатларидан огоҳ қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини кўрсатмоқда.

Диний экстремизм ва терроризм - юрт келажагига таҳдид

Маълумки, бугун мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда.

Ҳозирда Яқин Шарқ ва бошқа худудлардаги айрим араб ва мусулмон мамлакатлари сиёсий тангликлар, ижтимоий ва иқтисодий беқарорликлар ҳамда қонли тўқнашувларни бошидан кечирмоқда. Мазкур худудларда пайдо бўлган турли экстремистик ва террорчи гуруҳлар муқаддас ислом дини ғояларини нотўғри талқин қилиб, бошқача айтадиган бўлсак диндан ўзларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари йўлида ниқоб сифатида фойдаланган ҳолда турли хунрезликларга қўл урмоқдалар.

ИШИД, Толибон, Жабҳа ан-нусра каби террорчи гуруҳлар бугунги кунга келиб нафақат минтақавий, балки глобал хавфга айланди. Бу бузғунчи тоифалар ҳозирда ўзлари фаолият олиб бораётган ҳудудларда ҳукм сураётган қонхўрликлар, қотилликлар, норасида болаларнинг ўлими, аёлларнинг хорланиши, иқтисодий ва ижтимоий танглик каби ҳолатларни бошқа минтақаларга, шу жумладан Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу бузғунчи гуруҳларнинг Ўзбекистонга алоҳида эътиборини қаратаётгани бежиз эмас албатта. Чунки Ўзбекистон ҳам иқтисодий салоҳияти, ҳам географик жойлашуви жиҳатидан муҳим стратегик, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак турли кучларнинг манфаатлари тўқнашган ҳудуд ҳисобланади. Ҳозирда бу каби гуруҳлар ўз тарғиботларини асосан интернет тармоғи орқали амалга оширмоқдалар. Турли ижтимоий тармоқлар, интернет порталлари, форум ва сайтлар орқали ёшлар онгига таъсир ўтказиб, диний жиҳатдан ғўр, сиёсий таҳлил малакасига эга бўлмаган ҳамда ўзининг мустақил қарашларига эга бўлмаган ёшларни ўз сафларига жалб этмоқдалар. Маълумки, инсон онгига таъсир ўтказиш уни бошқариш хоҳлаган йўлга солишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Зеро, Президентимиз айтганларидек “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга” бўлиб бормоқда.

Ана шундай шароитда халқимиз, айниқса, ёшларимиз билан мазкур ҳудудларда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг асл моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва мудҳиш оқибатлари, бу тоифаларнинг ортида аслида кимлар тургани, глобал сиёсий-иқтисодий ўйинлар кабиларни муҳокама этиш, интернет тармоғи орқали олиб борилаётган тарғибот усулларидан воқиф бўлиш, ёшларда бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш долзарб вазиф бўлиб келмоқда. Айрим ёшларимизнинг мазкур фитначи тоифаларга алданиб, улар гўёки “ҳижрат” деб атаётган ёлғонга учиб турли низо ўчоқларига бораётгани, у ерда турли жиноят ва қабохатларни қилиб, ўз она юрти, ота-онаси ва халқига қарши қурол кўтариб дағдаға қилаётгани бу масалага жиддий эътибор бериш ва бу каби ҳолатларни олдини олиш, юрт тинчлигини асраш ишларига барча масъулият билан ёндашиши лозимлигини тақазо этади.

Терроризм таҳдиди аввало инсонларнинг умрига зомин бўлишдек мудҳиш оқибатларга олиб келиши билан бирга, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ҳам издан чиқаради, давлатнинг табиий ва моддий бойликларини кимларнингдир қўлига ўтишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ҳам, бугунги кунда давлатимизнинг иқтисодий сектори, хусусан банк соҳаси вакиллари билан бундай маърифий тушунтириш тадбирларини ташкил этиш, уларни диний экстремизм ва терроризм хавфидан огоҳ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хотима

Юқорида биз оиланинг инсонларга бахт ато этадиган маскан эканлиги, нозик хилқатларнинг диний-экстремистик оқимларга жалб этилиши, диний мутаассиблик тушунчаси, сабаблари, оилаларга таъсири ва оқибатлари, аёлларни мутаассиб шахслар томонидан психологик таъсирга солаётган омиллар ва зарур тавсиялар, диний экстремизм ва терроризм - юрт келажагига таҳдид, соғлом оила муҳити омиллари, ажралиш ва унинг психологик таъсири, ажралиш омиллари, оилани сақлаш ва ажралишдан йироқ бўлиш учун тавсиялар ҳақида тўхталиб ўтдик. Албатта, бу келтириб ўтилган айрим маълумотлар соғлом ва барқарор оилани жамиятда сақлаб қолишга ёрдам беради ва бу қоидалар гўёки «арзимас»дек туюлиши мумкин. Лекин шу каби «арзимас» омилларга ўз вақтида ўринли эътибор бериш оилаларимизнинг пойдевори мустаҳкам қўйилишини таъминлаши мумкин. Бу эса ёшлар ва катта авлод вакиллари учун, оилаларини барқарор қилиш орқали ўз фарзандларини ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам маънавий соғлом авлод бўлиб ўсишларини таъминлашда ҳеч бир ортиқча вақт, куч, маблағ талаб қилмасдан эришилиши мумкин бўлган имкониятлардир.

Агар бу қўлланма орқали юртдошимиз ўзи учун таниш ҳолатларни кўра олса ва бу вазиятларда ўзи қандай йўл тутган эди, нима қилса мақсадга мувофиқ бўлар экан каби саволлар устида ўйга толадиган бўлса, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик деб ҳисоблаймиз.

МУНДАРИЖА

Глоссарий.....	3
Сўз боши.....	4
Нозик хилқатларнинг диний-экстремистик оқимларга жалб этилиши.....	5
Диний мутаассиблик тушунчаси, сабаблари, оилаларга таъсири ва оқибатлари	8
Аёлларни мутаассиб шахслар томонидан психологик таъсирга солаётган омиллар ва зарур тавсиялар.....	14
Диний экстремизм ва терроризм - юрт келажагига таҳдид.....	16
Хотима.....	18

Ф. Акрамова
С. Шерхонов

АЁЛЛАРГА ДИНИЙ ВА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР

Босишга 26.12.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆.

Ҳажми 1,25 босма табоқ.

Адади 50 нусха.

70-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.